

634-9
Т-818

ФАН ҲАКИДА СУҲБАТЛАР

М. ТҮЙЧИЕВ

ЯШИЛ
ДҮСТЛАР

Sp. 9473/2

5473/2
Sijirsee M.
gigant.

8. *Striptes m.*
1961
4188
02

$$- \angle 1$$

977

7592

K. J. F.


~~_____~~

М. ТУЙЧИЕВ
Биология фанлари кандидати

634.9
Т818

**ЯШИЛ
ДУСТЛАР**

Ду 9473/2



„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“
ва „Ўзбекистони Сурх“ бирлашган нашриёти
Тошкент — 1961

Дарахтзорлар иқлимни ўзгартиради, тупроқнинг буғлани-
шини камайтиради, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорли-
гини оширади, ҳавони тозалайди.

Китобчада кишилар ҳаётида дарахтзорларнинг аҳамияти
тўғрисида мароқли ҳикоя қилинади.

Тўйчиев М.

Яшил дўстлар. Т., «Қизил Ўзб.н»,
«Правда Востока» ва «Ўзб.ни Сурх»
нашриёти, 1961.

36-бет.

Сарл. олдин авт.: М. Тўйчиев биология фан.
канд.

Туйчиев М. Зелёный друг.

К И Р И Ш

Серқуёш республикам, она юртим, мунчалар гўзалсан. Ажойиб фазилатлар ва битмас-туганмас хазиначиларга нақадар бойсан. Бошинг осмон қадар, кўксинг кенг ва баҳаво, тизма тоғларинг сарбаланд, тупроқларинг сахий ва унумдор, яшил дўстлар, анвойи гуллар, чечаклар, лолалар... беҳисоб. Боғу-роғларинг, экинзорларинг илиқ бағрингда йилдан-йилга мавж уриб яшнамоқда. Сен фидокор ва бахтиёр совет кишиларига бағрингни баралла очмоқдасан, социалистик шаҳар ва қишлоқларимизни равнақ топтириб, элни гўзалликларинг ва ҳаёт нашьасидан баҳраманд қилмоқдасан.

Серқуёш республикам, айтган билан туганмас сенинг таъриф ва тавсифинг, бойликларинг, ҳали очилмаган тилсимотларинг.

Биз ушбу китобчада фақат сенинг ажойиб яшил дўстларинг ҳақидагина қисқача ҳикоя қилмоқчимиз.

Маълумки, партия ва ҳукуматимиз яшил дўстларни кўпайтириш ва яхши муҳофаза қилиш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиб, бу масала бўйича махсус қарорлар қабул қилмоқдалар. Жумладан, шаҳар ва қишлоқларимизни, дала-ларимиз ва айниқса янги ўзлаштирилаётган ерларни кўкаламзорлаштириш, безаш ва ихота-лашда яшил дўстлардан фойдаланишга жиддий

эътибор бериб келмоқдалар,. Ажойиб соҳибкорларимиз, меҳнаткаш деҳқонларимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг аҳолиси, совет ёшлари партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларига қатъий амал қилиб, бу соҳада кенг кўламда иш олиб бормоқдалар, элимизда кўплаб янги боғ-роғлар, ўрмонлар, майсазорлар барпо этиб, республикамизни яшил дўстлар билан безаб, юртимизнинг шуҳратини янада оширмоқдалар. Айни вақтда мавжуд бўлган яшил дўстларни муҳофаза қилиб, яхши парваришламоқдалар.

Лекин бу борада қилинган ва қилинаётган ишларни етарли деб бўлмайди. Республикаимизнинг қиёфаси янада кўркам бўлиши учун бу соҳада ҳали кўп ишлар қилиниши лозим.

Бу ерда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, республикамизда яшил дўстлар қанча кўп бўлса, шаҳар ва қишлоқларимиз турли-туман дов-дарахтларга қанча кўп бурканса, унинг иқлимий шароитлари шунча кўп яхшиланади, соясалқин жойлар кўплаб вужудга келади. Бинобарин, кўча-кўйлар, дам олинадиган жойлар, боғлар, парклар ва бошқа жойлар манзарасининг гашти ортади. Шу билан бирга яшил дўстлар бузилган ҳавони тинмай янгилаб, кишининг саломатлигига ҳам фойда келтиради. Бундан ташқари ҳамиша табиий офатларга қарши туриб, даҳшатли бўронларга, ноқулай иссиқ-совуқликларга, тармселларга қарши курашиб, нормал об-ҳаво шароитини яратиб беришда энг аҳамиятли посбонлик вазифасини ўтайди. Бу ҳикматли яшил дўстлар сув манбаларини оширади, булоқ, чашма ва жилғаларнинг нормал ишлаш ҳолатини дурустлайди, оқар сувларни кўпайтиради. Оқар сувлар эса бир-бирлари билан қўшилиб, дарёлар ҳосил қилади. Дарёлар ўз навбатида

шаҳар ва қишлоқларимизни мўл-кўл сув билан таъминлаб, уларни ободонлаштиришда хизмат қилади.

Ушбу брошюрани ёзишда бир қатор авторларнинг, жумладан, Л. Н. Бабушкин, В. Д. Дмитриев, В. П. Дробов, К. З. Зокиров, М. Е. Массон, И. И. Гранитов, Д. Н. Кашкаров, Е. П. Қоровин, С. И. Коржинский, М. В. Культиасов, М. Г. Попов, Г. С. Сиворахша, А. П. Семенов-Тянь-Шанский ва бошқаларнинг ишларидан фойдаланилди. Шу билан бирга унда авторнинг кўп йиллик кўрган ва кечирганлари ўз ифодасини топди.

ЯШИЛ ДЎСТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Яшил дўстларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти жуда катта бўлиб, у жонажон Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларини гўзал майсалар билан безайди, қиёфасини ўзгартириб, об-ҳаво шарт-шароитларини яхшилашда ишлаб чиқариш фабрикасидек вазифани ўтайди. Яшил дўстлар ҳамиша ёруғда карбонат ангидрид газини ютиб, ҳавони тозалайди, кўплаб кислород ишлаб чиқариб, бузилган ҳавони соғлом ҳавога айлантириб туради. Шунингдек, улар республикамизнинг бепоён чўлларида, баланд қад кўтарган юксак тоғларида ривожланиб, табиатнинг қаҳригазабларидан ажойиб посбонлардек ҳимоя қилади, об-ҳаво шарт-шароитларини дурустлаб туришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам унинг бу каби ҳикматларини яхши тушунган кишилар қадимдан яшил дўстларни меҳр-муҳаббат билан парваришлаб, муҳофаза қилиб, даврдан-даврларгача, авлоддан-авлодларгача эҳтиёткорлик билан сақлаб келадилар.

Агрономия фанининг атоқли олимларидан А. К. Тимирязев, Н. А. Костичев, В. В. Докучаев, И. В. Мичурин ва бошқалар яшил дўстларнинг аҳамиятини юқори баҳолаб, қадр ва қийматини баланд поғоналарга кўтардилар. Улар яшил дўстлар ҳақида, уларнинг аҳамияти ҳақида жуда кўп қимматли сўзлар айтдилар. Аммо агрономия фанининг мазкур донгдор устозларининг тилак-орзулари фақат бизнинг замонамиздагина, социалистик тузум шароитидагина рўёбга чиқмоқда. Яшил дўстларни давлат ва халқ муҳофаза қилмоқда, уларни ҳар томонлама ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда ва кенг кўламда изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда яшил дўстлар ҳозир ҳар бир совет кишисининг чин дўсти ва бойликларидан биридир. Унинг хизмат ва аҳамияти аҳоли ўртасида маълумдир. Хўжаликларда, кўча-кўйлар ва майдонларда, боғлар ва тоғларда ва ҳоказо жойларда ўсиб-улғайиб, атроф-теварагига кўрк бағишлаётган яшил дўстларнинг иқлим шароитларини нормаллаштиришдаги, айниқса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги аҳамияти жуда каттадир. Бошқача айтганда, яшил дўстлар республикамизнинг турли шароитларида ўсиб, равон об-ҳаво яратиб, совуқ ва иссиқ шамолларнинг йўлини тўсиб, экинларни ҳар хил офатлардан ҳимоя қилмоқдалар, уларнинг ҳосилини оширишда муҳим вазифани бажармоқдалар.

Маълумки, яшил дўстлар йўлларда, канал ва ариқ бўйларида, экин экиладиган ер карталарининг четларида, оралиқларида ихота бўлиб ўсадилар, яхши ривожланиб, экинларнинг мўл ҳосил тўплаши учун имкон яратиб турадилар.

Республикамизнинг тоғлик районларида эса улар қалин ёки сийрак ўрмонлар ҳосил қиладилар. Масалан, арчали, ёнғоқли, пистали ўрмонлар қанчадан-қанча тоғу тошларни безашдан ташқари, ҳамиша табиий офатларга қарши курашадилар. Яшил дўстлар камроқ ҳолда республикамизнинг тоғ этакларида, водийлари ва чўлларида ҳам учрайдилар. Бундай камроқ ҳолда учрайдиган толли, теракли, юлғинли ва саксавулли ўрмонлардан бўлак яна бошқа турли дов-дарахтлар, ўтлар, гиёҳлар ҳам яшил дўст сифатида хизмат қиладилар.

Яшил дўстлар сифатида биздаги ям-яшил арчаларнинг роли ғоят каттадир. Арчалар Тянь-Шань ва Помир-Олой тизма тоғларининг ёнбағирларида, қояларида, дараларида жуда узоқ замонлардан бери яшаб келадилар. Улар ҳар йили иқлимий шарт-шароитларни яхшилаб, сув манбаларини кўпайтирадилар, доимо тупроқни нураш, бузилиш ва ўпирилиб кетишдан сақлаб турадилар. Шунингдек бошқа турли ўрмонлар ҳамда далаларда ва чўлларда гоҳо кўп, гоҳо камроқ ҳолда ўсадиган дов-дарахтлар ҳам бу борада улардан қолишмайдилар, булар ҳам кўк девор тариқасида тик қад кўтариб, шамол ва бўронларнинг йўлини тўсадилар.

Яшил дўстлар пахтазорларда ва бошқа экинзорларда ихота тариқасида хизмат қилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки яшил дўстлар бўлмаган, ёки кам ҳолда учрайдиган районларда баҳор чоғларида экинзорларда кучли шамоллар пайдо бўлиб, ёш ғўзаларни букадилар, синдириб ҳар томонга учирадилар, тупроқдаги намни тез буғлантириб, ғўзанинг аҳволини ёмонлаштирадилар, шунингдек ғўза ва бошқа экинлар орасига турли ҳашаротларни, бегона ўтларни тарқа-

тиб, зарар келтирадилар. Бундан ташқари ғўза ва бошқа экинларнинг вегетация даврида пайдо бўладиган гармсел, гоҳ совуқ, гоҳ иссиқ шамоллар эса ғўзанинг нормал ўсишига тўсқинлик қиладилар.

Яшил дўстлар кам бўлган районларда эрта кузда ҳам совуқ шамоллар пайдо бўлиб, об-ҳаво шаронтларини бузадилар, экинларнинг ҳосилига катта зарар етказадилар. Ғўзанинг ҳали етилиб пишмаган кўсакларига, бошқа турли экинлар ва меваларга ҳам зарба бериб, ҳосилини камайтирадилар. Яшил дўстлар бу хилда кам бўлган ёки бутунлай бўлмаган колхоз ва совхозларда ёз пайтларида ҳам ўқтин-ўқтин иссиқ шамоллар, гармселлар пайдо бўлиб, ғўза, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг нормал ўсишига йўл қўймайдилар.

Бундай ҳодиса республикамизнинг бир қатор районларида, жумладан, Тошкент областининг Мирзачўл ва Чиноз районларида, Самарқанд областининг Нурота, Фориш, Норпой каби районларида кўп учрайди. Бу каби ҳоллар Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда ҳам кўплаб юз беради.

Агар яшил дўстлар мазкур область ва районларда кўп бўлганида эди, табиий офатларга мутлақо йўл қўйилмаган бўлур эди.

Табиий офатлар айниқса лалмикор тоғ этакларида кўплаб содир бўлади. Иссиқ шамоллар тупроқдаги намни буғлантириб-камайтириб, буғдой, арпа ва сули каби экинларнинг ўсишига ва ҳосилига катта путур етказди. Баъзан ҳосилни бутунлай йўқотиб юборади. Яшил дўстлар йўқ бўлганида баҳор фаслидаги селлар қанчадан-қанча экинларни, унумли тупроқларни оқи-

зиб кетиб, пастликларга, жар-жулғаларга улоқтириб ташлайди. Ҳатто тасодифий ҳолда йирик қишлоқларга ҳам зарар келтиради.

Хуллас яшил дўстлар етарли бўлмаган районларда табиий офатлар кўплаб рўй бериши, қишлоқ хўжалик экинларига ва аҳолига катта зарар етказиши мумкин. Бундай табиий офатларнинг олдини олиш, тугатиш, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини юқори кўтариш учун республикамизнинг табиий иқлим шарт-шароитларини комплекс равишда тузатмоқ зарур. Бунинг учун гидротехника ва агротехника усулларида ташқари яшил дўстларни ихота қилиб экишдек энг қулай усулдан кенг фойдаланиш лозим. Чунки ихота қилиб экилган яшил дўстлар экинларнинг ҳосилини ошириш гарови ҳисобланади. Тоғ этакларида ташкил топган ўрмонларнинг баҳорикор экинлар ҳосилини 20 процентдан кўпроқ, оширгани бунга яққол мисол бўла олади. Яшил дўстларнинг роли айниқса қумли районларда янада ортади. Яшил дўстлар бўлмаса, бундай районларда кўчма қумлар экинларни босиб кетади. Масалан, Бухоро ва Фағона областларининг қумли районларида бўладиган шамоллар секундига 20—28 метр тезлик билан эсиб, ёш ғўзаларни ва бошқа экинларни нобуд қилади. Бундай шамоллардан фақат яшил дарахтлар ихота қилиб экилган жойлардаги ғўзалар ва бошқа экинларгина омон қолади. Бизнинг кузатишларимиз жараёнида шу нарса рўй-рост аниқландики, яшил дўстлар бўлмаган жойларда шамол ёки дўл-сел ғўзалар ёки бошқа экинларнинг анча қисмини нобуд қилади, уларни қайта экишга тўғри келади. Бундай районларга яшил дўстлар кўплаб ихота қилиб ўтқазилса, экинларнинг бехатар ўсиши,

нормал ривожланиши ва яхши ҳосил тўплаши учун қулай шароит вужудга келади.

Хулоса қилиб айтганда, яшил дўстларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Бунинг маъноси ва моҳиятини янада чуқурроқ очмоқ, яшил дўстлар билан кенгроқ таништирмоқ учун қуйида республикадаги баъзи яшил дўстлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯШИЛ ДЎСТЛАРИ

Яшил посбон — арчазорлар республикамизнинг кўпгина тизма тоғларини гоҳо қалин, гоҳо сийрак қоплаб, атроф-теварақни ҳамиша табиий офатлардан темир қўرғондек ҳимоя қилиб туради. Арча камҳастак, ирғай, шовқат, четончия каби турли-туман дов-дарахтлар билан бир қаторда жуда хилма-хил шароитларда, денгиз сатҳидан 3800 метрга қадар баландликда ўсиб, ажойиб ўрмонларни ҳосил қилади. Арчали ўрмонлар ўзининг об-ҳавоси, хилма-хил дов-дарахти, гиёҳлари, ўтлари ва ниҳоят кўпгина фойдали хусусиятлари билан бошқа ўрмонлардан яққол ажралиб, киши эътиборини ўзига жалб этади.

Ям-яшил арчали ўрмонларнинг теварак-атрофлари кенг яйловлар билан ўралгандир. Ундан баланд кўтарилиб, булут ораларига бош суққан, чўққилари оппоқ қор билан қопланган тоғлар ҳамиша сув манбаларининг конидир. Арчали ўрмонлар гўзал манзараси, сабза ва лолалари билан ҳар хил ҳайвонлар, сайроқи қушлар, паррандалар, ажойиб чиройли капалаклар, ниначилар ва турли-туман ҳашаротларнинг ҳам маконидир.

Эртакларда нақл этилишича, ажойиб жойлар бўлади, ундаги турли-туман дов-дарахтлар заъ-

фарон барги, маржон-маржон тизилган меваси, ҳамиша ям-яшиллиги билан баланд қад кўтарган тоғларнинг ҳуснига ҳусн қўшади. Тошлар орасидан отилиб чиқиб оқаётган шифобахш булоқлар, чўққилардан шилдираб оқиб тушаётган жилғалар кишига ҳузур бағишлайди. Бундай ерларда ўсиб униб вояга етган беҳисоб, ғоят



Арчазорлар.

хилма-хил гуллар, чечаклар, турли гиёҳлар ва ниҳоллар баралла ғунча очиб, барг ёзиб, доимо баҳор ўзини кўз-кўз қилади. Шўх булбуллар, тўрғайлар, какликлар ва бошқа қушлар унинг чиройига мафтун бўлиб, кеча-кундуз тинмай сайрайди, тобора авжига кўтарилади...

Табиатдаги мавжуд гўзал арчазорлар ва биздаги бой ўсимликлар дунёси эртакларда бу ка-

би тасвирланганидан ҳам афзалроқдир. Арча дарахти Ўзбекистонда қадим замонлардан бери бир қатор тизма тоғларда ҳар томонлама ривожланиб, инсоният тарихида ғоят муҳим роль ўйнаб келади. Арча ўсимлиги ям-яшил дарахт ёки бута тариқасида ўсиб, доимо иссиқ ва совуққа бардош беради. У ер юзига кенг тарқалган бўлиб, шимолний ярим шарнинг Европа ва Осиё қитъаларида, ҳатто ер шарининг Арктика зонасидан тортиб Кавказ ва Ўрта Осиё республикаларида кўплаб ўсади, йирик арчали ўрмонлар ҳосил қилади.

Айниқса, қалин арчазорлар кўпинча Ўрта Осиёнинг Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларининг тоғли районларида жуда кўплаб ўсиб, зич ва қалин ўрмонлар ҳосил қилади. Тянь-Шань ва Помир-Олой тизма тоғларининг кўпгина жойларини эгаллайди, турли шароитларда кўм-кўк майсадек ўсиб, ҳамиша уларни безаб, яшнатиб туради.

Баланд қад кўтарган арчали тоғларнинг чўққилари булутлардан ҳам ўтиб, гўё осмонни ўпиб тургандек туйилади. Бу юксак тоғларнинг тепаларида, чўққиларида ҳам арчалар ўсади. Улар алға-далға қиладиган кучли бўронлар ва шамолларнинг йўлини тўсади, баъзан ерга бағрини бериб, қаттиқ довуллар ва кучли бўронларга бардош бериб, тоғ этакларидаги, водийлардаги шаҳар ва қишлоқларни, улардаги боғларни, экинларни қаттиқ туриб мудофаа қилади. Ажойиб арчазорларнинг этакларидан, ораларидан қайнаб чиққан булоқларнинг тип-тиниқ, кўмкўк зилол сувлари эса, ариқ-ариқ бўлиб оқиб, гўзал водийлар сари йўл олади. Уларга йўл-йўлакай бошқа сувлар ҳам қўшилади. Буларнинг ҳаммаси бориб-бориб охири кучли дарёлар ҳосил қи-

лади. Ҳаётбахш сувлар йўл-йўлакай тупроқни намлаб, турли экинларнинг, гиёҳларнинг, буталар ва дарахтларнинг томирларига озиқ беради. Бундан нафланган экинларнинг, буталар ва турли ўсимликларнинг барғига барг, поясига поя, ғунчасига ғунча, гулига гул, ҳосилига ҳосил, ҳуснига ҳусн қўшилади.

Яшил дўст — арчали ўрмонларда турли-туман гуллар, чечаклар, ниҳоллар, дов-дарахтлар ҳар йили баҳорда янги либосга бурканади. Аммо арчада эса бундай ҳодиса мутлақо рўй бермайди. У ўзидаги ўзгаришни асло сездирмайди. Барча арчали ўрмонлар доимо бир хилда кўмкўк туради. Арчанинг туси ёзин-қишин бузилмайди, иссиқ, совуқ ва офатлардан чўчимайди. Арча томири билан тошларни ёриб ҳам ривож топа беради. Турли ўсимликлар олами у билан ёнма-ён ўсади, яқин дўстлар каби яшайди. Бу ерларда турли-туман ҳайвонлар, қурт-қумирсқалар, махлуқлар ва ҳашаротлардан тортиб токи йиртқич ҳайвонларгача — ҳаммаси истиқомат қилади.

Яшил дўст — арчалардан наф олган кўкатлар, чечаклар, гиёҳлар ва гуллар бир-биридан серғунча ва серҳосил бўлади. Ажойиб ғунчалари, қалин барглари билан ер бетини гиламдек қоплайди. Айниқса тонг отиб, қуёш эндигина нурларини соча бошлаганида арчазорлардаги табиий гўзаллик, тўкислик, бойлик янада равшанроқ кўзга ташланади, шамол билан аста силкиниб, қуёш нурида қизил, қора, пушти, кўк, зангори, гўлос ва бошқа рангда товланиб турган турли-туман кўкатлар ажойиб манзара касб этади. Кўм-кўк арчазорларда йил бўйи шу хилда ҳаёт қайнайди.

Дилрабо, кўнгил очар ва дилхуш яшил дўстлар айниқса ёз фаслларида янада авж олади. Бу

йиқинларда қўрт-қумирсқалар, қушлар, ҳар хил ҳайвонлар, моҳлуқотлар ҳаддан ташқари кўпаяди. Аларнинг бирлари яшил дўстларнинг бағрида, бирлари ялдиизларида, бирлари танасидаги инҳ шабобаларида уя қуриб яшайди, бола очиб ёқдан машғул бўлади. Шунингдек наъматаклар ўзининг тиканли тириққларини арча танасига қайлагани ҳолда чирмашиб, баландликка томон ютилади.

Хумлас, арчали субальпик ўрмонлар бебаҳодир. У ҳамма учун қизиқарли ва кераклидир. Арча дарахтининг ёғочи гоёт мустаҳкам, рангдор, чиндамли, хушбўй, асл ва айнимас бўлиб, ер остида узоқ ётса ҳам чиримайди, шунинг учун қишқлар арча ёғочидан узоқ замонлардан бери турли асбоб-ускуналар яшашда кўплаб фойдаланиб келганлар. Айниқса Урта Осиёда бинокорлик ишларида кўплаб истеъмол қилганлар.

Арча дарахтлари, бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида ҳам муҳим роль ўйнайди. Тоғларда табиий «яшил девор» шаклида ўсган арчазорлар қаттиқ шамолларга, бўронларга ғов бўлиб, атроф-теварадаги турли экинларни табиий офатлардан сақлайди, ердаги намининг буғланиб, тупроқнинг эса селдан нураб кетишига йўл қўймайди, иқлимни анча дурустлаб, об-ҳавонни яхшилайди, экинлар ҳосилни оширади.

Арчанинг гоёт манзарали эканини назарда тутиб, уни шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш мақсадида кўплаб экиш ва ўстириш талаб қилинади. Аммо арчани шаҳарларга, кўчаларга, паркларга ва бошқа жойларга ўтқозиш ишларига шу чоққача негадир жиддий эътибор берилмай келади. Ҳолбуки, шаҳар ва қишлоқларни янада ободонлаштириш ва кўкаламзор-

лаштиришда арча бошқа гўзал дарахтлардан заррача қолишмайди.

Арча ёғочидан саноатда ҳам кенг равишда фойдаланса бўлади. Машинасозлик ва оғир саноатда арча ёғочи лозим бўлган жойларга металл билан бир қаторда ишлатила олади. Бундан ташқари арча ёғочидан энг сифатли, яхши қалам ишлаб чиқарилади. Унинг шох-шаббасидан, баргидан эса эфир мойи ва бальзамин олинади. Шунингдек, ликёр ва дори-дармонлар тайёрланади.

Арча дарахти бир уйли ёки икки уйли бўлиб, арчалар оиласига оиддир. Бу авлодга 60 га яқин тур киради. Шулардан 21 тури СССР территориясида ўсади. Бунинг 8 тури Қозоғистонда, 5 тури Ўрта Осиё республикаларида учрайди.

СССРнинг Европа қисмидаги ўрмонларда ва Сибирда бута ёки дарахт шаклида боддий арчалар кўплаб ўсади. Европа ва Осиё қитъаларининг Арктика зонасида, Қозоғистон ва Қавказ тоғларида эса пакана бўйли, баландлиги деярли бир метр келадиган Сибирь арчаси ўрмонлар ҳосил қилади. Ўзбекистон территориясида эса соғур арча, қизил арча, ўрик арча номли арчалар тоғлиқ районларда кўплаб учрайди. Паркларда виргин арча ўсади. Арчазорлар Ўрта Осиёда шимолда 40-параллелдан тоғларнинг пастки этакларидан, баъзан чўл зоналаридан тортиб токи тизма тоғларнинг юқори қисмларигача кенг ёйилади ва ўрмон ҳосил қилади. Тянь-Шань тизма тоғларида, Қоратоғ, Талас, Сусамир, Угам, Пском, Чотқол, Қурама ва Фарғона тоғларида арчанинг анчагина субальпик ўрмонлари учрайди. Арчалар бу ерларда неча турли дов-дарахтлар, буталар билан биргаликда яшайди ҳамда Ўрта Осиёнинг ҳамма энини ўз ичига

олади. Помир-Олой тизма тоғлари субальпик арчали ўрмонларнинг жанубий чегараси ҳисобланади. Бундай ўрмонлар Помир-Олой тизма тоғларини, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор ва Дарвоз тоғларини ҳам қоплайди. Бундан ташқари арчазорлар Капет-Даг тизма тоғларида ҳам учрайди. Бироқ арчали ўрмонлар бу ерда бошқа тоғлардагига қараганда анча кам бўлиб, денгиз сатҳидан тахминан 900 метрга қадар баландликдагина кўзга ташланади. Тянь-Шань ва Помир-Олой тизма тоғларида арчанинг юқориги чегараси 3800 метр баландликка қадар кўтарилади. Арчали субальпик ўрмонлар кўпинча денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда кўплаб ўсади, қалин-қалин ўрмонлар ҳосил қилади. Унинг юқори чегарасида эса камроқ, сийракроқ ҳолда паст бўйли Туркистон арчалари учрайди.

Илмий-текшириш ишларининг аниқлашига қараганда, арчалар қадимги замонларда ҳозирги даврдагига нисбатан анча кўпроқ бўлиб, республикамизнинг кўпгина тоғларининг пастки этакларида ва ёнбағирларида қалин, йирик ва туташ арчазорлар ҳосил қилганлар. Бир қанча арчазорлар йиллар ўтиши билан кўплаб кесилиши ва ўт тушиши натижасида бутунлай йўқолиб кетганлар, ёки сийраклашиб қолганлар. Бундай аҳвол одам яшайдиган жойларда айниқса кўпроқ рўй берган. Қирқилган арча дарахтларидан қурилишда, асбоб-ускуналар ясашда, кўмир қилишда фойдаланилган. Оқибатда арча ўсадиган кўпгина жойлар фақат ўтлоқларга айланиб, шунингдек буталар ва чўл ўсимликларининг ўсишига мувофиқлашиб кетган. Ҳозирги қалин субальпик арчазорлар одам қўли тегмаган жойлардагина яхши сақланиб қолган.

Арча дарахти Ўзбекистоннинг тизма тоғларида


ва қардош республикаларда турли шароитларда авж олган ҳолда ўсади. Арчазорлар тахминан 1,5 миллион гектарга яқин майдонни ишғол қилади. Шундан 400 минг гектари Тожикистон ССРга қарайди. Ўзбекистон ССРда эса 624260 гектар майдонни арчазорлар эгаллайди.

Ўзбекистон арчазорларининг запаси жиҳатидан Ўрта Осиёда биринчи ўринда туради десак муболаға бўлмайди. Аммо арча биргина Тожикистон ва Ўзбекистондагина эмас, балки қардош Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон республикаларида ҳам учрайди. Арча дарахти уруғидан вегетатив ва пархиш усуллари билан ҳам кўпаяди. Арчанинг ўсмири уруғдан униб чиқади, олдин унинг шох-шаббалари ривожланади, сўнг-ра унинг ўзи яхши авж олади. Арчанинг уруғи айниқса соя-салқин, намлик жойларда ҳар томонлама ривожлана олади.

Бундай ҳодисалар совур ва қизил арчалар орасида аниқроқ рўй беради.

Субальпик яшил арчали ўрмонлар асосан уруғдан яхши униб чиқиб ривожланади. Аммо уруғдан униб чиққан ўсмир ўсимликларнинг нормал ўсиши учун уларга қулай шароитлар яратиб бериш талаб этилади. Агар арчазорлар ёз ойларида иссиқдан қовжиратиб қўйилмаса, бегона ўсимликлар ва подаларга ем қилинмаса, улар уруғдан униб чиқиб яхши кўпая олади.

Арчали ўрмонларда дорили, бўёқли, елимли, асали, смолали, толали ва ошлов моддалар ҳосил қиладиган ўсимликлар кўплаб учрайди. Бундан ташқари эфир мойли ўсимликлардан чўл райҳони, қийўт, мөвруқ ва шу каби бошқа хушбўй ўсимликлар ошиб-тошиб ётади. Шу билан бирга уларнинг орасида заҳарли ўтлар ҳам учраб туради. Чорва моллар учун мўл-кўл ем-




хашак берадиган ўтлоқлар эса беҳисобдир. Арчазорларда баъзан олча, нок, зирк, ёнғоқ, олма каби мевали дов-дарахтлар ҳам, кўкаламзорлаштириш ишларида фойдаланиладиган заранг, тол, терак, четан, шум каби ўсимликлар ҳам ўсади. Чунки бу ернинг ҳавоси, суви, тупроғи халқ хўжалигида ва саноатнинг турли соҳаларида истеъмол қилинадиган фойдали гиёҳлар, ўтларнинг яхши ривожланиши учун жуда қулайдир. Арчазорлар ўқувчиларнинг ёз даврида саёҳат — походга чиқиб, мактаб учун керакли бўлган турли гербарийларни, қимматбаҳо тош коллекцияларини тўплашида, қушларнинг чучело (тулуп)ларини тайёрлашида, ўлкани ўрганиб, билимини бойитишида муҳим объектдир.

Шундай экан, келинг, Ватанимизнинг бойликларидан бири бўлган ажойиб арчазорлар билан чуқурроқ танишайлик, унинг қадри-қимматига яхшироқ етайлик!

Ўрмон арчаларини яхши сақлаб, уларни тобора кўпайтирайлик, нобуд бўлишига сира йўл қўймайлик!

Ёнғоқ дарахти ҳам яшил дўстлардан бирidir. У республикамизнинг турли шароитларида ўсиб, ўрмонлар ҳосил қилиб, ўзининг мевалари, фойдали хусусиятлари билан элни баҳраманд қилиб келмоқда.

Ёнғоқ дарахти ёнғоқгулликлар оиласига мансубдир. Сершоҳ, бўйи баланд, илдизи бақувват бўлиб, турли офатларга бардош берадиган, бўронлар ва гармселларни тўсувчи ажойиб яшил дўстдир. Ёнғоқнинг хўжаликда ва саноатнинг кўпгина тармоқларида аҳамияти гоят каттадир. Машҳур совет табиатшуноси И. В. Мичурин унинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, «Комбинат дарахти» деб атаган эди. Чунки ёнғоқнинг



Амударё соҳилларидаги тулонғилзорлар.

ҳамма қисми фойдалидир. Унинг мағзида 80 процентга қадар мой, 20 процентдан зиёд оқсил модда, 15 процентга яқин углевод, витаминлардан эса «А» ва «С» витаминлари ҳамда минерал тузлар бор.

Ёнғоқ мағзи тўйимли бўлиб, кўпгина асосий озиқ-овқатлардан, жумладан бугдой нондан 3 марта, картошкадан 7 марта, сигир сутидан 10 марта юқори туради, сариёғ мойига тенглашади. 400 грамм ёнғоқ мағзи кишининг бир кеча-кундузда оладиган калориясига барабарлашади... Бир туп бобоёнғоқнинг меваси эса бир кишининг — бир йиллик олган калориясига тенг келади.

Ёнғоқнинг думбул мевасида жуда кўплаб ҳосил бўлган «С» витамини лимондан 50 марта зиёд туради. Ёнғоқ меваси, мағзи озиқ-овқат саноатида турли мазали-лаззатли, ширали озиқ-овқатлар тайёрлашда энг муҳим маҳсулот сифатида ишлатилади. Мойи қимматбаҳо ашё ҳисобланиб, техникада қўлланилади. Унинг кунжараси ҳам тўйимли бўлиб, чорва моллар, қушлар учун овқат вазифасини ўтайди.

Халқ медицинасида гипертония, ошқозон ва ички касалликларни, бош оғриғини, нерв системасини, ревматизмни, кўз оғриғини, темурўтка ва бошқа касалликларни даволашда, гижжани туширишда ёнғоқ меваси, барги ва бошқа қисмлари қадим замонлардан бери дори-дармон сифатида қўлланилиб келинади. Илмий медицинада кўз касалликларини даволашда истеъмол қилинади. Ёнғоқ дарахтининг барги, танаси фитонцит деган модда ишлаб чиқаради. Бу модда чивин, кана, сўна, пашша ва бошқа қурт-қумирсқаларни қувлайди. Ёнғоқ дарахтининг барги аҳамиятли бўлиб, ундан танин ва «С» вита-

минини олиш мумкин. Уни куяга қарши курашда истеъмол қилиш ҳам фойдалидир.


Ёнғоқ мевасининг пўчоғи ҳам аҳамиятли бўлиб, ундан саноатда жилвир тошлар, линолеум ва заҳарли газларни тозалайдиган маҳсулотлар тайёрланади. Ёнғоқ дарахтининг ёғочидан эса саноатнинг кўпгина тармоқларида фойдаланилади. Ундан энг яхши мебеллар ясалади, қурол-яроғларнинг дастагига ва самолётнинг паррагига ҳамда бошқа турли машиналарнинг қисмларига металл бараварида ишлатилади. Ёнғоқ дарахтининг буқоғи жилвир ҳосил қиладиган ёғоч бўлиб, фанер ва жилвир буюмлар ишлашда катта аҳамият қозонади. Ёнғоқ дарахтининг бу қисмини тарозида тортиб, қиммат баҳода сотишар эди. Унинг пўкаги қора, жигарранг ва қўнғир ранг-бўёқ беради. Бу бўёқ ипак ва жунни, кишиларнинг сочларини бўйшда жуда муҳим маҳсулот ҳисобланади.

Ёнғоқ дарахтининг яна бир энг яхши хусусияти шундаки, у ёввойи ҳолда республикамизнинг Ҳисор, Угам ва Пском тоғларида ям-яшил бўлиб ўсиб, қуюқ ёнғоқзорлар ҳосил қилади ва ажойиб табиий манзара яратади. Ёнғоқлар ўсган ерлар ниҳоятда хушҳаво, соя-салқин ва сувлари тип-тиниқ бўлиб, булоқлар ва чашмалардан ҳамиша кумушдек зилол сувлар шўх оқиб ётади. Хуллас, бир сўз билан айтганда, яшил ёнғоқлар табиат манзараларини яшнатиб, сув манбаларини кўпайтириб, об-ҳаво шароитларини яхшилаб, оқар сувларнинг нормал оқишига йўл очиб беради. Оқар сувлар ёнғоқзорларни оралаб ўтиб, тоғлар оша далаларимизга томон югуради, қанчадан-қанча экинзорни суғоради.

Яшил дўстларимиздан ёнғоқ дарахтлари ҳам ўз фойдали хусусиятлари ва меваси билан элни

баҳраманд қилади, унинг фаровонлигини янада оширишда катта ҳисса қўшади. Чунки ёнғоқ дарахтлари ҳар йили Ватанга кўплаб мева ва бошқа маҳсулотлар беради. Лекин, бу каби жуда катта хўжалик аҳамиятига эга бўлган ва ҳозиргача экилган ёнғоқ дарахтларини ҳали мутлақо етарли деб бўлмайди, мавжуд ёнғоқ дарахтлари аҳолининг йил сайин ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондиrolмайди. Шунинг назарда тутиб, эндиликда бу ажойиб яшил дўстларни кўплаб экиш йўли билан кўпайтириш, йирик-йирик ёнғоқзорлар барпо этиш лозим. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Ёнғоқни кўпайтириш учун биргина Тошкент областининг тоғли районларида 40—50 минг гектар ер резервлари, Паркент ва Оҳангарон районлари бор. Қурама, Чотқол, Угам; Пском, Қоражон тоғларининг ёнбағирлари, қоялари, даралар ёнғоқ дарахти экиш учун ниҳоятда қулай. Агар бу ерларга ёнғоқ дарахти кўплаб экилса, у ерларнинг манзараси янада яхшиланган, давлатга қанчадан-қанча фойда келтирилган бўлур эди. Шунингдек, яшил дўст — ёнғоқ дарахтларини кўпайтириш учун Фарғона, Ҳисор, Зарафшон тизма тоғларида ҳам қўриқ ерлар кўп.

Ҳаммадан шуниси ачинарлики, тегишли ташкилотлар ёввойи ҳолдаги ёнғоқ дарахтларига яхши қарамаётирлар ва уларни кўпайтириш тадбирларини кўрмаётирлар. Натижада жуда кўп ёнғоқ дарахтлари қаровсизликдан турли касалликларга дучор бўлмоқда, йилдан-йилга ҳосили камаймоқда. Бунинг устига тоғ оралиқларидаги ёнғоқ дарахтларининг асл зотлари кўплаб кесилиб йўқолиб кетмоқда. Аҳвол шундай бўлгани ҳолда мазкур ажойиб ва фойдали ёнғоқ дарахтларини парваришlash ва кўпайтириш билан шу-



Ёнгоқзор.

ғуланувчи тегишли идоралар, мевачилик ва ўрмончилик хўжаликлари бунга ўта бепарво қарамоқдалар, ёнғоқзорларни сақлаш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар. Агар бундай кайфият ҳеч қандай қаршиликсиз яна давом қилаверса, ёнғоқ дарахтлари ўз ҳолига ташлаб қўйилаверса, уларнинг асрлар мобайнида даврдан-даврга, наслдан-наслларга ўтиб келаётган ғалвирак, шода, писта, антиқа ва бошқа шу каби бир қатор ноёб навлари камайиб ва ҳатто йўқолиб кетиши мумкин.

Маълумки, ёнғоқ дарахти асосан уруғдан кўкариб кўпаяди. У тезўсар. ажойиб яшил дўстлардан ҳисобланиб, бўйи табиий ҳолда 50 метргача баланд кўтарилади ва минг йилга қадар яшайди. Бу яшил дўстнинг танаси қариб-чириб кетган тақдирда ҳам, унинг ер остидаги илдизлари ва танасининг остки қисми ривожланиш қобилиятини йўқотмайди, яна қайта-қайта ўсиб тикланиб, яшил дўстлик вазифасини ўташда давом этаверади.

Ёнғоқ дарахти танасининг йўғонлиги уч-тўрт метрдан 10 метргача қадар ривожланади. Унинг шоҳлари садасимон, чодирсимон ҳолда атрофга кенг ёйилиб, минг квадрат метрлаб жойни ишғол қилади. Бу яшил дўстнинг ўзига хос биологик хусусиятлари бўлиб, равон об-ҳаволи иқлимий шароитларда яхши ўсади. Уруғдан униб чиқиб, бўйи бир йил ичида 30—40 сантиметр чамаси баланд кўтарилади. Иккинчи-учинчи йили унинг бўйи 2 метргача етади. Шу давр мобайнида бу яшил дўстнинг ер остки қисми яхши ривожланиб, илдизлари тупроқнинг чуқур қатламларигача кириб боради, натижада йилдан-йилга тобора тезроқ ўсиб, яхши ҳосилга киради.

Республикамызда мазкур яшил дўст сингарин

яна бошқа бир қатор яшил дўстлар ҳам учрайди. Адир ва тоғ этакларидаги пистазорлар, бодомзорлар, теракзорлар, толзорлар ана шулар жумласига киради. Республикамизнинг чўлли районларида эса яшил дўстлар сифатида саксовул, қандин, юлғун каби турли-туман дов-дарахтлар кўплаб учрайди. Сирдарё ва Амударё соҳилларида кўплаб туронғил, тол, жийда ва ҳоказолар биргаликда яшаб, гоҳ сийрак, гоҳ қалин яшил ўрмонларни ҳосил қилади. Булар билан бирга қанчадан-қанча гиёҳлар — ўтлар ҳам қар-қара бўлиб ўсади. Биз булар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтирмаймиз, чунки ушбу китобча уларнинг ҳаммасини таърифлаш масаласини ўз ичига олмайди.

ЯШИЛ ДУСТЛАРНИ САҚЛАШ ВА УЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ

Гўзал ва обод шаҳар ҳамда қишлоқларимизни янада кўкаламзорлаштириш учун ҳар йили ҳар хил мевали ва манзарали яшил дўстларни кўплаб ўтқазиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ана шу вазифанинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мақсадида бизнинг республикамизда ҳар йили баҳорда кўчат ўтқазиш кампанияси ўтказилади. Ҳар йили март ойидан бошлаб ҳамма жойларда дарахт экиш ишлари қизитиб юборилади. Дарахт кўчатлари суғориш каналлари ва сув омборларининг қирғоқларига ҳам экилади, чунки дарахтлар уларнинг қирғоқларини ювилиб ва бузилиб кетишдан ҳамиша сақлайди, аynи вақтда сувларнинг буғланиб нобуд бўлишига йўл қўймайди.

Дарахтларнинг хилма-хил фойдасини назарда тутиб, уларни турли мақсадларда суғорила-

диган ва баҳорикор районларга ҳам кўплаб экиш тавсия қилинади. Ниҳоллар ривожланиб вояга етгач, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилига ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, баҳор чоқларида республикамизнинг Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва бошқа областларида ҳам кучли шамоллар тез-тез пайдо бўлиб, эндигина униб чиққан нозик ғўзаларни ва бошқа экинларни кўплаб синдириб ташлайди, нобуд қилади. Бундай шамоллар ғўзалар ўсиб-улғайганида уларнинг шохларини синдириб, барги ва шонасини тўкиб, ҳосилига путур етказди. Республикамизнинг лалмикор ва баҳорикор ерларида эса донли экинларни гармселга учратиб, ҳосилини камида икки-уч барабар камайтиришга сабабчи бўлади. Бундан ташқари кучли шамоллар мевали дарахтларнинг мевасини ғўралигидаёқ тўкиб юборади, полиз ва сабзавот экинларга турли офатлар келтириб, ҳар хил касалликка дучор қилади. Шунинг учун ҳам Партия ва Ҳукуматимиз шамолнинг ана шундай жиддий зарарларини ҳисобга олиб, далаларга ихота дарахтлари экиш масаласини кескин қилиб қўймоқдалар.

Далаларида ихота дарахтлари бўлган районларда экинларнинг ривожланишига қулай шароит яратилади. Экилган дарахтлар об-ҳавони ва тупроқ намлигини яхшилаб, экинларнинг ҳосилини 15 процентча оширишга имкон беради.

Яшил дўстларни колхоз ва совхоз далаларида ихота қилиб экишда уларнинг асрлар мобайнида ҳар хил офатларга бардош бериб, элга фойда етказиб келган, шамолни кам ўтказадиган зотли, фойдали маҳаллий турларидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Қайрағоч, сада, чинор, ёнғоқ, ўрик, нок, олма, олча, жийда,

жилон жийда, беҳи, тут, олхўри, тол, терак каби дов-дарахтлар ана шундай турлар жумласига киради. Шўр босган ерларга эса кўпроқ акация, дуб, заранг, ёввойи олма, нок, жийда, тол, туронгил, оқ тут, қайрағоч ва бошқа тур яшил дўстларни ўтқазиш тавсия этилади.

Лалмикор ва баҳорикор ерларга яшил дўстлардан кўпроқ писта, жийда, бодом, қотранги, гледичия, қайрағоч ва қурғоқчиликка чидамли бошқа зот дарахтларни экиш мақсадга мувофиқдир. Буларни экканда аралаш ҳолда ярус ҳосил этадиган қилиб жойлаштириш лозим. Шундай тарзда ўтқазилган яшил дўстлар яхши ривожланиб, бўйи 6—7 метрга етганда шамол тезлигини 40 процентдан 70 процентгача тўсади. Лалмикор ерларда намни мавсумда ўрта ҳисобда 4—5 процент оширади. Шунинг учун яшил дўстлар мавжуд бўлган ерларда ғўза, каноп, шоли ва сабзавот каби экинлар камроқ суғорилади. Бундан ташқари лалмикор районларда экинлар яшил дўстларнинг ҳосияти туфайли ёмғир ва қордан тўпланган намдан яхши баҳраманд бўлиб, донига дон ва ҳосилига ҳосил қўшади.

Яшил дўстлар қанчалик ўсса, уларнинг фойдали хусусиятлари шунчалик ошади, турли экинларни турли офатлардан, ҳашаротлардан сақлаш билан бирга, уларнинг ҳосилининг мунтазам равишда ошиб боришига муносиб ҳисса қўшади. Аммо дарахт экишдан тўғри фойдаланилмаса, унинг фойдали хусусиятлари камайиб, салбий ҳодисалар рўй бериши мумкин. Масалан, дарахт нотўғри экилиб, ноқулай жойлаштирилса, ҳавони тўсади ва дим қилади. Димланган ҳаво ўз навбатида экинларга зарар етказди, ёки ноқулай экилган дарахтларнинг ён

илдизлари экинларни оралаб ўсиб, уларнинг ривожига халақит беради.


Шунинг учун яшил дўстларни далаларга ихота қилиб экишда уларнинг биологик хусусиятларига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Яшил дўстларни асосан колхоз ва совхозларнинг суғориладиган ерлари чегараларига ҳамда ариқ, канал ва йўлларнинг ёқаларига экиш, ёнғоқ, ўрик, олма, нок, жийда, тут каби ҳар томонлама фойдали дарахтларни биринчи галда кўплаб ўтқазиш керак. Лалмикор ва баҳорикор ерларга эса довдарахтларни шамол келадиган томонни ва ернинг паст-баландлигини, шунингдек тупроқнинг ювилиб кетмаслиги тадбирларини назарда тутиб экиш, уларни ерларнинг ёнбағирларига кўндалангига жойлаштириш зарур.

Лалмикор ерларга дарахт экишда ҳам уларнинг биологик хусусиятларига риоя қилмоқ керак.

Агар суғориладиган районларда шамолнинг тезлиги секундига 7 метр бўлса, яшил дўстларнинг орасини 15—20 метр чамасида ихоталаб ўтқазиш лозим. Лалмикор ерларда эса дарахт кўчатлари оралиғи 20—30 метр бўлиши керак.

Яшил дўстларни экишда агротехника талабларига қаттиқ риоя қилиш талаб этилади. Дарахт экиладиган ерлар кузда чуқур ҳайдалиб, текислаб қўйилади. Ҳайдалган ерлар кузда ва қишда яхши намланиб, тупроқда запас намни кўпайтиради. Шўр босган ерлар эса кузда ва қишда суғорилиб, шўри ювилади.

Ҳайдалган ерлар кўчат экишдан олдин дастлаб яхшилаб бороналанади, сўнгра питомниклардан келтирилган аъло сифатли дарахт ва бута кўчатлари қатор оралари 3 метрдан қилиб экилади. Бундан ташқари уруғдан экиб ҳам кў-



Мевали дарахтлар.

пайтирилса бўлади. Қўчатлар кузда ва баҳорда ўтқазилади.

Яшил дўстлар эрта баҳорда ўтқазилса, яхшироқ кўкаради. Улар машина ёки қўлда ўтқазилади. Республикамиз шароитида дарахтлар ер 40×40 сантиметр кенгликда ва 30—50 сантиметрга қадар чуқурликда қазиб экилади. Қўчат ўтқазилганда икки киши қатнашиб, улардан бири чуқур кавлайди ва кўчат атрофига тупроқ тортади, иккинчиси эса яшил дўстни чуқурга солади, илдиэларини ёзиб тузатади ва ташланган тупроқларни зичлайди. Айни вақтда кўчат остига сув қуйилади. Ўтқазилган кўчатларнинг яхши ривожланиши учун уларнинг оралари вақти-вақти билан бороналаниб, қатор ораларининг тупроғи юмшатилади. Сўнгга кўчат ўтқазилган ерлар суғорилади. Агар кўчатларнинг қатор ораларига экин экилса, бу уларнинг яхши тутиб қолишига ёрдам беради.

Ўтқазилган яшил дўст — кўчатларни биринчи йили ҳам, иккинчи йили ҳам 8—9 мартадан суғориш ва 4—5 мартадан культивация қилиш керак. Бу хилда яхши парваришланган кўчатлар тез ривожланиб, 3—4 йилдан сўнг шохлари бир-бирига тутшиб кетади, шунда кўчатларнинг ораларига экин экиш мумкин бўлмай қолади. Бундай вақтларда ҳам дарахтларнинг ораларини ҳар йили 2—3 марта юмшатиб, 5—6 марта суғориб туриш шарт.

Дарахтлар 5—6 ёшдан ошгандан сўнг эса йилига 2—3 марта суғорилади. Суғориладиган баҳорикор ерларда кўчатларни парвариш қилиш учун кузги шудгор усули қўлланилади. Негаки, шундай қилинганда, нам тупроқда сақланиб, яшил дўстлар яхшироқ ривожланади.

Ўтқазилган яшил дўстларни юқорида айтиб

ўтилган тартибда яхши парвариш қилиш билан бирга уларнинг соғлиғига ҳам мунтазам равишда қараб турмоқ лозим. Зарарланган, ҳашаротларга дуч келиб касалланган яшил дўстларни дарҳол даволаш тадбирларини амалга ошириш ва олдини олиш чораларини кўриш керак.

Бордию яшил дўстлар яхши ривожланиб, уларнинг шох-шаббалари ўсиб кетса, аҳамиятсизлари кесиб танланиб, сийраклаштириб турилади. Моллар пайхонлаб ва ғажиб, шикаст бермаслиги учун кўчат ўтқазилган ерлар маҳсус бригадаларга биркитиб қўйилади.

Яшил дўстлар шаҳарларга кўкаламзорлаштириш учун, парклар ва хиёбонлар барпо қилиш учун экилади. Дарахтлар ва буталар ривожланиб, чанг, газ, тутун ва шунга ўхшаш зарарли моддаларни тутиб қолади, об-ҳаво шароитини яхшилаш билан бирга, соя-салқин бериб, дам олиш учун қулай шароит яратиб беради.

Яшил дўстларнинг аҳамиятини назарда тутиб, уларни турлича тарзда экиш, жумладан, шаҳар атрофларида ўрмон-парк типига боғлар барпо қилиш лозим. Бундан ташқари йўлларни ва сув бўйларини ҳам яшил дўстлар билан кўкаламзорлаштириш керак. Шунингдек, паркларга, дам оладиган ерларга, касалхоналарга, болалар уйлариغا, мактаб ва муассасаларга, ўқув юрларига ва завод-фабрикаларга, ҳовли-жойларга турли мевали ва мевасиз яшил дўстларни кўплаб экиш зарур.

Йўлларнинг ёқаларига ўтқазилган яшил дўстлар вояга етгач, тротуарларга соя-салқин ташлайди, ёзнинг иссиқ кунларида йўловчиларга ҳузур бағишлаб, жазирама иссиқдан, чанг

ва шамолдан сақлайди. Шу билан бирга шовқунни камайтиради, қишда эса лойни тўсади.

Яшил дўстларни темир йўллар ёқасига ҳам экиш фойдалидир. Чунки улар ўсиб-улғайиб камол топгач, темир йўлларни қор ва қум босишдан сақлаб туради.

Хуллас яшил дўстларнинг фойдали аҳамияти жуда катта. Буни мутлақо унутмаслик керак: Шунинг ҳамма вақт назарда тутган ҳолда яшил дўстларни сақлаш ва кўпайтириш чораларини мунтазам кўрмоқ, кўчат ўтқозиш ишларини ҳар йили авж олдирмоқ лозим. Кўчат ўтқозиш ишларида махсус ўрмон хўжалиги идораларидан ташқари шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси ҳам актив иштирок этиши зарур. Бундай ишларда айниқса мактаб ўқувчилари ва комсомоллар яқиндан қатнашиб, Ватанимизнинг янада обод ва гўзал бўлиши учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сафарбар этишлари, ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлаб, кўчат ўтқозиш кампанияларининг яхши натижалар билан якунланишида катталарга бевосита ёрдамлашишлари керак.

Кўчат ўтқозиш, яшил дўстларни системали равишда кўпайтириб бориш ва сақлашдек олижаноб ишлар гўзал республикамизнинг бир ҳуснига ўн ҳусн, бир бойлигига ўн бойлик қўшади, об-ҳаво шароитларини яхшилайти, элнинг фаровонлигини оширади. Бу, мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига қўшилган муносиб ҳисса бўлади.

МУНДАРИЖА

	Бет
Кириш	3
Яшил дўстларнинг аҳамияти	5
Ўзбекистоннинг яшил дўстлари	10
Яшил дўстларни сақлаш ва уларни кў- пайтириш тадбирлари	25

На узбекском языке

М. ТУЙЧИЕВ

Кандидат биологических наук

ЗЕЛЕНый ДРУГ

Объединенное издательство
„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“
и „Ўзбекистони Сурх“
Ташкент — 1961

Автор Маннон Тўйчиев

Редактор Ш. Тоҳиров

Техредактор В. Зубовская Корректор Ш. Фозилов

Теришга берилди 18/IV 1961 й. Босишга рухсат этилди 13/V 1961 й.
Қоғоз формати 84 × 108¹/₃₂. Босма листи 1,13. Шартли босма листи
1,85. Нашриёт ҳисоб листи 1,26. Тиғажи 13509. Нашр 351.
Р 03907. Заказ 729. Баҳоси 4 тийин.

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“
ва „Ўзбекистони Сурх“ бирлашган нашриёти ва босмаҳонаси
Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.